

Шерободда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга реабилитация воситалари топширилди



Жумладан “Тароқли” маҳалласида истиқомат қилувчи 62 ёшли Гулсара Қурбоновага ҳасса, “Галагузар” маҳалласида яшовчи 10 ёшли Эргашова Марғиёна ҳамда “Чуқуркўл” маҳалласида яшовчи Шодмонова Мухаррам момога қарилик бўйича ногиронлик аравачаси тарқатилди. Шунингдек, “Тароқли” маҳалласида яшовчи ёлғиз она вояга етмаган фарзанди бўлган Жумаева Маърифатнинг қилган мурожаати бўйича ўрганиш жараёнида унга бола пули тайинланганлиги, соғлигини тиклаш учун ёрдам кўрсатилиши ва маҳалладаги пат, тақир, қоқма, босма кашта гиламлар тўқиш касбга ўрганиш бўйича иш билан банд қилинди.